

ЖАМИЯТНИНГ ТАРАҚҚИЁТИДА ИЛМ-ФАН ОМИЛИ

Мирзахмедов Абдурашид Мамасидикович

Наманган мұхандислік-технология институти

Ижтимоий фанлар кафедрасининг профессори, фалсафа фанлари доктори

Аминов Шариф Насимович

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар академиясининг катта ўқитувчиси

Холматов Гайратжон Мухторалиевич

Наманган мұхандислік-технология институти

Ижтимоий фанлар кафедрасининг

НамМҚИ профессори, фалс.ф.д. Исмоилов М. И. тақризи асосида

Аннотация. Замонавий цивилизациянинг истиқболи муаммолари Европа ва Лотин Америкаси олимлари томонидан қизғин мұхокамаси билан алоҳида долзарб мавзуга айланди. Жаҳон афкор оммасини ижтимоий тараққиётнинг глобал муаммолари хавотирга солмоқда: модернизация халқларнинг ўз миллийдиний маданиятидан бегоналашуви, либераллашув эса инсон ҳуқук ва эркинлигини таъминлаш, мамлакат тараққиётининг демократик сиёсий йўлининг шарти сифатида кабул қилинмоқда. Шу мъянода мақолада Ўзбекистон Республикаси ижтимоий тараққиётининг илмий-сиёсий таҳлили асосида Ҳаракатлар стратегиясининг амалга оширишда устувор вазифаларини аниқлаш мақсади қўйилган.

Калит сўзлар. Ижтимоий истиқбол, Ф. Фукуяманинг ғояси, замонавий тараққиёт, истиқбол баҳслари, Ўзбекистоннинг миллий тараққиёти

FACTOR OF SCIENCE IN THE DEVELOPMENT OF SOCIETY

Annotation. The forecasts of modern civilization are of particular relevance, which has become the subject of a heated discussion among European and Latin American scientists. The world community is concerned about the global problems of social progress, the modernization of which is reflected in the alienation from the ethno-confessional culture of peoples, liberalization is perceived as a condition for ensuring human rights and freedoms, the democratic path of the country's political development. In this regard, the article sets the goals of a scientific and political analysis of the social progress of the Republic of Uzbekistan, determines the main directions for the implementation of the plans of the Action Strategy.

Keywords. Social perspectives, F. Fukuyama's idea, modern civilization, discussions about the future, national progress of Uzbekistan

ФАКТОР НАУКИ В РАЗВИТИИ ОБЩЕСТВА

Аннотация. Прогнозы современной цивилизации приобретают особой актуальности, что стала предметом острой дискуссии ученых Европы и Латинской Америки. Мировая общественность беспокоит глобальные проблемы социального прогресса: модернизация отражается в отчуждении от этноконфессиональной культуры народов, либерализация воспринимается как условие обеспечения прав и свобод человека, демократический путь политического развития страны. В этой связи статья ставить цели научно-политического анализа социального прогресса Республики Узбекистан, определить основные направления реализации планов Стратегии действий.

Ключевые слова. Социальные перспективы, идея Ф. Фукуямы, современная цивилизация, дискуссии о будущем, национальный прогресс Узбекистана

КИРИШ

Башариятнинг истиқболи замонавий фалсафанинг ўта нозик ҳаёт ва мамот масаласи бўлганидан таникли олимларнинг фикр-мулоҳазалари илмий адабиётларда фаол тадқиқ этилмоқда. Лотин Америкасининг илм-фан вакиллари кишилик тарихининг интиҳосига оид башоратлари, Россиялик олимлар эса жамиятнинг келажаги хусусида хавотирли хулосалари ҳам мавзунинг илмий тадқиқот сифатида кун тартибига қўяди [1, б б]. Замонамизнинг етакчи алломалари башариятнинг тақдири юзасидан халокатли истиқболни илмий асослаган ҳолда ундан халос бўлиш йўл-йўриқлари бўйича таклиф ва тавсияларни ишлаб чиққанлар. Уларнинг интуитив илмий ёндашувларининг янада аниқроқ қиёфаси ўзга олимларнинг ижтимоий тараққиётга доир цивилизацион ёндашувларида ўз мужассамини топган [5]. Таниқли сиёсий арбоблар АҚШлари томонидан ўтмишда икки тузумнинг “мафкуравий мусобақаси”да оммавий маданият орқали улкан давлатни тарқатиб юборишга эришгани – асрнинг энг катта хатоси, деб баҳолаши ҳам миллий хавфсизлик доирасида илмий аҳамият касб этади.

Ижтимоий тараққиётнинг формацион ва цивилизацион ёндашувлари атрофлича илмий тадқиқ этилган бўлса-да, ахборотлашган жамиятнинг истиқболида одамзотни кутаётган муаммоларнинг ечимиға тайёр туриш ижтимоий фанларнинг огоҳлик фалсафасидир. Чунки, кишилик жамияти барқарор тараққиётга эришуви учун илмий асосланган миллий ижтимоий моделларни ишлаб чиқади.

Мавзууга оид адабиётларнинг таҳлили. Инсониятнинг келажаги масаласида олимларнинг фикр-мулоҳазаларини бир неча гурухлаштириш ва

уларда оптимизмдан кўра пессимизмнинг устуворлигини кузатиш мумкин. Жумладан, Френсис Фукуяма совуқ уруш тарихининг тугаши, М. Горбачевнинг давлат бошқарувидан кетиши, мусулмон давлатларининг сиёсий саҳнага чиқиши, низо ва можароларнинг янги даври бошланиши ҳақидаги қарашлари ўз тасдиғини топмоқда [8, 85 б]. Чунки, совуқ урушнинг тугаши билан ҳалқаро ва минтақавий муносабатларда урушнинг “исиши”га алмашди. Дунёning бир қатор давлатларида фуқароларнинг уруш ва сиёсий тўнтаришлар, геосиёсий ҳарбий ҳаракатлар локал жиҳатдан ҳалқаро “маданиятлар уруши” қирғоғига жуда яқин келиб қолди. Дарҳақиқат, илмий адабиётларда маданиятларнинг цивилизация тараққиётида мафкуравий босим ва зўравонликлари миллий мустақил демократик давлатчиликнинг ижтимоий давлатчилик босқичига ўтишида мураккабликларни вужудга келтирмоқда [10, 12]. Натижада, Европанинг демократик ижтимоий тартиби, либерал турмуш тарзи дунёning ўзга давлатлари қатори минтақамизда ҳам тантана қилиши анъанавийлик ва замонавийлик, миллийлик ва умуминсонийлик тамойилларидағи маънавий-ахлоқий муаммоларнинг зиддияти билан тарбияни “ҳаёт ва мамот” масаласи сифатида кун тартибига қўймоқда. Шу маънода илмий адабиётлардаги инсониятни келажаги ҳақидаги қарашларни қўллаб-қувватлаш мумкин [4, 83 б.]

Ф. Фукуяма фикрича, “Ғарбнинг тантанаси” совуқ урушнинг тугаши билан давлатлар ва ҳалқларнинг ҳаётида мафкурасизликнинг бошланиши “истеъмолчилик жамияти”га ўтиш орқали дунё ҳалқларини ғоявий тобе этилиши Техрон, Прага ва Хитойда ҳам универсаллик туфайли “Оммавий маданият” ила ҳалокатга келиши тарихнинг тугаши – аксиомадир. Ушбу аксиомадан Европанинг “сўниши” туфайли планетар миқёсда миллий ва диний муносабатларда олдиндан қилинган башорат Ғарбнинг “исломлашуви” ёки “Исломнинг глобаллашуви” билан тарихнинг янги жиҳатлари шаклланини англаш мумкин. Дарҳақиқат, Европанинг исломлашуви жараёнига қарши Франция, АҚШ ва Голландияда оммавийлик руҳидаги сиёсий ҳаракатлар амалга оширилмоқда [10]. Уларда ислом динини оммага “қора” бўёқларда кўрсатишга уриниш мавжуд.

Фукуяманинг қарашлари баҳсли бўлса-да, лекин барқарор тараққиёт йўлидаги давлатлар орасида ялпи миллий ўсишда Хитой етакчи, Япония ва Корея, Истроил иккинчи қаторни эгаллаб, дунёning табиий бойликларга тўла бўлган араб мамлакатлари ўз имкониятларидан тўла фойдалана олмаганлигини аниқлаган. Дунё давлатларининг ахборотлашуви, рақамли иқтисодиёт ва жамият цивилизациясининг янги сифат босқичи билан инсоният тарихини якунига жуда яқинлаштиради.

Таҳлил ва натижалар. Бу аксиоманинг таҳлили ўзбек жамияти либерал мафкурадан миллийликнинг сақлаб қолиш билангина келажакка умид қилишга

ундайди. Ўзбекистон давлат бошқарув ва сиёсатининг устувор ижтимоий йўналишлари таълим ва тарбияга жиддий миллийлик тамойилларини қўллаш билан бирга илмий маърифат ва китобхонлик миллий дастур сифатида қабул қилинди [3]. Чунки, ўзбек жамияти шу қадар замонавийлашди, энди миллий идентификациялаш мураккаблашиб бормоқда. Ўзбек халқи Ғарбнинг хоҳлаган шахри турмуш тарзи талаблари даражасига эришиб “индекс”лар билан фахрланмоқда. Гендер тенглиги ғоялари радикал феминизм даражасида дунёning етакчи ўринларга чиқиб, “жинслар тўхнашуви” динамикаси ўсиб бормоқда [7]. Бу тўқнашувнинг оқибатлари нафақат эркак ва аёл, балки ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини ижтимоий ночорликка олиб келиши мумкин.

Фукуяма ўз қарашларини назарий жиҳатдан асослашда жамият тараққиётида Г. Гегелнинг зиддиятларни барҳам топишида коммунистик тенглик ҳал этиши ҳақидаги ғоявий қарашлар билан асослаган. Инсоният маданий тараққиётининг таъсири туфайли Европа ва Шимолий Америка либерализмининг тантанасига “цивилизациянинг авангарди” сифатида эришди. Олим инсоният тарихидаги охирги давлат либерал бўлиши, унда инсон хуқуқ ва эркинлиги максимал даражада таъминланиши билан ижтимоий зиддиятлар ўз ечимини топиб, ҳаёт барқарорлиги таъминланади. Инсон эҳтиёжлари тўла таъминланиши ҳарбий ва давлат хизматчиларига эҳтиёжни инкор этиб, фақат иқтисодий фаолиятни қолдиради [5, 5-8 б].

Ўзбекистон давлат сиёсатининг бир қатор ижобий ютуқлари иқтисодиётнинг ўсиш суратларида либераллашув жараёни ахоли турмуш тарзи ва муносабатларида ўз ифодасини топмоқда. Шу маънода таълим ва тарбия соҳасидаги амалиётни жиддий ислоҳи реал воқеликнинг таҳлили асосида миллий таълим тарбия тизимини йўлга қўйилмаса, “ўқитувчи мактабда ўқувчини калтаклади” мазмунидаги хабарлар оқимини тўхтатиб бўлмайди. Умуминсоний таълимда интизомни таъминлашда тан жазоси бўлганки, усиз таълим ҳам тарбия ҳам бўлиши мумкин эмаслиги – тарихий ҳақиқат. Гап тан жазосини меъёр ва “доза”си ҳақида бўлиши мумкин. Зеро, тан жазоси таълимнинг таркибий қисми бўлиб, “ижтимоий хайвон”нинг устоз йўлга солиш учун мажбурлаш ёки одатлантириш технологияси табиий тарбия эҳтиёжи ҳисобланади. Колаверса, мактабда таълимни ривожлантириш бўйича аксари мутахассислар замонавий педагогика ва психология соҳасидан бўлгани учун миллий ментал хусусиятларни тан олмайдилар. Ҳар қандай тарбия миллий жиҳат ва хусусиятлар, тарбия анъаналарига асосланмас экан муаммони ҳал этиб бўлмайди. Инсоннинг табиатидаги қўрқув ҳисси ахлоқийликни шакллантириш механизмидир. Қўрқув ҳисси инсон онглилиги ижтимоий қўрсаткичи, қўрқмаган шахс ижтимоийлаша олмайди.

Шахснинг тарбиясида алоҳида оилавий мухитда шаклланган ёшларнинг таълим масқанидаги вазифаларни ихтиёрий бажаришида мураббийнинг таълим интизоми билан таълим талабларига бўйсундирилиши зарурият ҳисобланади. Боланинг меҳнат тарбияси жисмоний зўрикиш билан ижтимоий хатти-ҳаракатларни амалга оширишга кўниктириш мумкин. Мажбурлаш боланинг шахсида ижтимоий талабларни бажаришга, айниқса таълимда тарбия хусусиятини мустаҳкамлайди. Мактабнинг корпоратив маданиятида тарбияси оғир болаларни таълим санкцияси (бажартириш) билан таълим ва тарбия мухитини ҳосил қилинади. Ўқувчиларнинг ихтиёрийлиги асосидаги илм-фан, бошланғич ва ўрта таълимни ташкил этиш ҳақидаги қарашлар таълимдаги софистикадан бошқа нарса эмас. Боз устига мактаб ёшларининг оилавий тарбиясизлиги, яъни ўқувчининг нотўлиқ оиласдан “чала тарбияси” билан мактаб таълимини мураккаблаштирумокда. Натижада, мактабда эркак устозлар ўқувчиларни тан жазоси билан тарбиялашга мажбур бўлмоқда. Бугунги ёшларнинг ўқитиш ва тарбиялаш иши ўта оғир қулнинг меҳнати бўлиб, отаоналарнинг ўзи тарбияга муҳтожлиги билан изоҳлаш мумкин. Зеро, ота-она устозни хурматини жойига қўймай, “бала культи”га сифиниши ҳам ўқитувчининг “таълим меҳнати”га мослай олмайди. Ўқитувчининг болага нисбатан тан жазосини қўллашга мажбурилиги мактаб таълимининг минг йиллик қонуниятидир. Муаммони республика таълимидаги таълим-тарбия ҳолатлари билан далиллаш шарт бўлмай қолди.

А. Л. Никифоров рус жамиятининг истиқболини белгилашда “Фарбнинг турмуш тарзидан нусха кўчиришни давом эттирайликми ёки араб-хитой андозасини олиш керакми?” саволини қўйган [4, 86 б]. Жамият тараққиёти туфайли одамларнинг ижтимоий маданияти ва мафкураси янгиланиб боришидан давлатнинг миллий-маънавий ҳолати ва истиқбол йўналишлари муаммолар гирдобида қолиши кузатилган. Айни вақтда ўзбек жамиятининг Фарб ижтимоий қадриятларига тақлиди, Фардан нусха кўчириш миллий мафкуравий начорлик (банкрот) кўрсаткичи ҳисобланади.

Фарбнинг иқтисодий ўсиши туфайли моддий тўқчилик, одамларнинг ҳаёт фарновонлигини бекиёс даражада гуллаб-яшнаши билан бирга янги қадриятларнинг шахс ва жамият маънавиятида маънавий тубанликка сабаб бўлиши кузатилди. Ўзбек халқининг тарихий тараққиётида миллий-диний қадриятлар асосида оила ва никоҳ муносабатларида янги маданият ва қадриятлар шакллантирилмоқда.

Замонавий таълим либерализми анъанавий қадрият ва ижтимоий талабларни ўзгартириши, миллий андоза ва мезонларни ислоҳи билан трансформация жараёнларини бошидан кечирмоқда. Натижада, оила ва никоҳ муносабатларида девалвация, низо ва можаролар жиддий муаммога айланди.

Хотин-қизларнинг эркаклар спорти билан шуғулланишга рағбат туфайли аёл ўзининг аёллик мақомидан бегоналашуви, аёл девиантлиги хотин-қизларда ижтимоий “маскулинлик” феъл-атворига олиб келмоқда. Бир сўз билан айтганда, мустақиллик йиллари хотин-қизларнинг ижтимоий мақоми ва функцияларининг замонавийлашуви туфайли аёлнинг “эркаклашуви” биофизиологик ўсишига салбий таъсир этмоқда. Гендер тенглиги сиёсатининг миллий-диний идентификацияси миллий таълим ва тарбиянинг тақдирини белгилаб беради. Ғарб жамиятида гендер тенглиги ижтимоий оқибатлари давлат, жамият ва шахс муносабатлари “америқалик аёлни нусхалаштириш” ижтимоий тузилишни “демонтаж”и низоли давр бошланишнинг сабабияти сифатидаги қарашларига қўшиламиз. Боз устига Европа жамиятининг “сўниши” туфайли антигендер ҳаракати ҳам тарқалмоқда [3, 112 б].

Хулосалар. Ижтимоий тараққиёт муаммолари Ғарбий Европа ва Лотин америкаси олимлари томонидан фаол тадқиқ этилиши жамиятнинг постиндустриал тараққиёт босқичига ўтиши билан бевосита боғлиқдир. Зеро, цивилизация маданий тараққиётни билдириши билан бирга илм-фан технологиялар тараққиёти миллий маънавий-маърифий омилни таназзули билан башарият истиқболини шубҳа остига солади.

Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий, маданий имкониятлари ҳорижий давлатлар томонидан эътироф этилиб, замонавий глобал майдонда нуфузи ортиб бормоқда. Бу ҳол ёшларнинг ҳар томонлама баркамоллиги, илм-фан соҳасида тафаккурини намойиш этиб, юртимизни дунё миқёсида ўз ўрнини эгаллашини таъминлайди. Фукуяма қарашларининг миллий тараққиёт тенденцияларига тадбиқ этилса, иқтисодий ўсишнинг у ёки бу ютуқлари жамиятнинг ўзига хос ва мос ёндашувлари инсон омилиниң комиллиги билан ҳал бўлади, деган хулосага келиш мумкин.

Олий таълимнинг тараққиёти ўзбек жамиятидаги ижтимоий-ахлоқий, сиёсий-маънавий ҳолатни ўзида ифода этиши туфайли миллий таълимни барча кесимларида ижтимоий тарбия билан уйғунлаштирган ҳолда ислоҳига эҳтиёж мавжуд. Чунки, миллий мустақиллик шароитида миллийликдан кўра замонавийликка, анъанавийликдан кўра инновацияларга, одат ва миллий қадриятлардан либералликка трансформация жараёни амалга оширилди. Бу эса таълимни тарбиядан ажратилиши, касбий таълимда шахснинг ижтимоийлашув жараёнини издан чиқарди. Замонавий педагогикада тарбиячилар “оммавий педагогика” асосида ўзбек жамиятида таълим ва тарбияни амалга ошириши таълим ва тарбиянинг парадокси, деб ўйлаймиз.

Ижтимоий тараққиёт ҳар бир ҳалқ ва давлатнинг миллий-диний ўзига хос маънавий маданияти, хўжалик ҳаётининг бир сифат босқичидан янги мукаммал босқичига ўтиши билан инсон фаровонлигининг таъминланишини назарда

тутади. Ижтимоий тараққиёт цивилизацияда ўз мужассамини топса-да, моддий тараққиёт билан маънавий-ахлоқий ўсишнинг номутаносиблиги юз бериб, ижтимоий низо ва можароларга олиб келиши мумкин. Либерализм демократик тамоийил сифатида қонунийлик ва инсонпарварликка таянади. Шу маънода, башариятнинг истиқболи миллий-маънавий маърифат, динларро толерантлик асосида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш йўлидир.

АДАБИЁТЛАР

1. Вебер А. Социальный прогресс: сравнительный анализ и вызовы для политики// Социологиченская наука и социальная политика. – 2015. –№ 3(11). – С. 5-16.
2. Здравомыслова Е. А., Темкина А.А. Социальное конструирование гендера// Социологический журнал. 1998. № 3/4. – С. 111 – 124
3. Мирзиёев Ш. М. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномаси 2020 йил 29 декабрь // <https://review.uz/post/poslanie-prezidenta-uzbekistana-oliy-majlisu> (Дата обращения 30.12.2020).
4. Никифоров А. Л. Какое будущее ждет человечество // Философский журнал. – 2021. – Т. 14. – № 3. – С. 82–95.
5. Семёнов Ю. И. Конец истории? – М.: Современные тетради, 2003. – 776 с.
6. Тойнби А. Д. Хантингтон С. Вызовы и ответы. Как гибнут цивилизации. -М.: Алгоритм. 2020. – 288 с.
7. Ўзбекистонда гендер тенглиги // <https://mehnat.uz/uz/pages/gender-tengligi>.
8. Фукуяма Ф. Конец истории? // Вопросы философии. –1990. –№ 3. – С. 84 – 118.
9. Фукуяма Ф. Конец истории и последний человек/ пер. с англ. М. Б. Левина. – М.: АСТ, 2007. –588 с.
- 10.Хантингтон С. Столкновение цивилизаций. – М,: ACT, 2014. – 469 с.